ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КАЛАНДАРОВ БАХТИЁР ИСКАНДАРОВИЧ

ШОЛИ НАВЛАРИНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА УРУҒ ЭКИШ МЕЪЁРИ ВА МАЪДАН ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

06.01.08 – Ўсимликшунослик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УЎТ: 633.18: 631.53.048, 631.816.1 (631.84)

Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences

Каландаров Бахтиёр Искандарович
Шоли навларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига уруғ экиш меъёри ва маъдан ўғитларнинг таъсирини ўрганиш 3

Каландаров Бахтиёр Искандарович
Изучение влияния норм высева семян и минеральных удобрений на рост, развитие и урожайность сортов риса..... 21

Kalandarov Bakhtiyor Iskandarovich
Studying the influence of the rates of sowing seeds and mineral fertilizers on the growth, development and yields of rice varieties..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..... 43

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КАЛАНДАРОВ БАХТИЁР ИСКАНДАРОВИЧ

ШОЛИ НАВЛАРИНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА УРУҒ ЭКИШ МЕЪЁРИ ВА МАЪДАН ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

06.01.08 – Ўсимликшунослик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4. PhD/Qx.44 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Шоличилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифасида (www.psuaiti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Саимназаров Юлдаш Бекмирзаевич,** биология фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: **Атабаева Халима Назаровна,** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Абдурахмонов Содиқжон Обидович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот: **Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» 10 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ., ЎзПИТИ кўчаси ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№96 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37 ; e-mail: piim@agro.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «14» 10 куни тарқатилди.
(2020 йил «14» 10 даги 1 рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор.

Ж.Х.Ахмедов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Шоли экини ер юзидаги энг қадимги экинлардан бири бўлиб, дунё аҳолисининг учдан бир қисми учун асосий озуқа манбаи ҳисобланади ва тропик келиб чиқишига қарамай, мўътадил ҳудудларда кенг тарқалган. АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти (USDA) маълумотларига қараганда, 2019 йилда дунё бўйича 765,6 млн. тонна, жумладан, Хитойда – 224,6 млн. т, Ҳиндистонда – 176,9 млн. т, Индонезияда – 56,1 млн. т, Бангладешда – 54,6 млн. т, Вьетнамда – 43,5 млн. т, Таиландда – 31,5 млн. т, Бирмада - 20,5 млн. т, Филиппинда – 18,4 млн.т, Японияда – 12,0 млн. т, Покистонда – 11,5 млн. тонна шоли ҳосили етиштирилган[1].

Дунёда шоли етиштирувчи бир қатор ривожланган давлатларда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида тупроқ-иқлим шароитларига мос навларни яратиш, танлаш, оқилона жойлаштириш, етиштиришнинг илғор ресурстежамкор технологияларни илмий асосланган ҳолда қўллаш эвазига дон сифати яхшиланиб юқори ҳосилдорликка ва иқтисодий самарадорликка эришилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича кенг қамровли ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон Фармонида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфизлигини янада мустахкамлаш, суғориладиган ерлардан ва сувлардан самарали фойдаланиш, маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларга мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратиш, танлаш, ресурстежамкор замонавий агротехнологияларни жорий этиш бўйича вазифалар белгилаб берилган[2]. Бу борада шоли етиштиришда ҳосилдорликни ошириш ва дон сифатини яхшилаш мақсадида, шоли етиштириш технологиясининг айрим элементлари, жумладан тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда навларни жойлаштириш, мақбул экиш муддатлари, меъёрлари ва озиқлантириш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5303-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 29 мартдаги 259-сонли “2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш ва махсулот етиштиришнинг прогноз хажмлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 12-декабрдаги

[1] http://www.worldagriculturalproduction.com/crops/rice.aspx

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 фармони

986-сонли “Шоличиликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф – муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроқ-иқлим шароитларига мос келадиган шоли навларини танлаш, етиштириш агротехникаси жумладан, мақбул экиш муддат ва меъёрлари ҳамда озиқлантириш тартибини ишлаб чиқиш борасида мамлакатимизда Н.И.Косарев, М.И.Уклонская, Е.И.Свежакова, А.В.Нестеров, В.Ф.Щупаковский, Х.У.Ўрмонова, М.П.Сборщикова, М.Т.Когай, Х.У.Азимов, Г.Н.Рахимов З.Н.Джуманов, А.П.Эгамназаров, С.Махмудова, М.А.Қаландарова, Г.Джураева, М.А.Эргашев, Қ.К.Ўразметов, Ч.Т.Қашқабоевалар, ҳорижда Н.Б.Натальин, А.Х.Шеуджен, М.А.Ладатко, A.Sharif, A.K.Gautam, K.G.Cassman, Xian-Qing Lin, Fugen Dou каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотларда ўрганилган “Илғор”, “Гулжахон” ва “Тарона” навлари 2012–2019 йилларда давлат реестрига янги навлар сифатида киритилган бўлсада, лекин уларни ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларининг шаклланиши ва дон сифат кўрсаткичларига уруғ экиш меъёрлари ва унга мос нисбатда маъдан ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий – тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти шоличилик илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот режасининг ҚХА-8-053 “Шолини ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамли, юқори сифатли гуруч берадиган серҳосил навларини яратиш” ва ҚХА-9-045 “Муттасил ва алмашлаб экиш тизимида минтақалар шароитига мос келадиган шоли ва унга хамроҳ экинларнинг янги ва истиқболли навларининг экологик соф, юқори самарадор агротехнологияларни ишлаб чиқиш” (2012–2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Шолининг янги “Гулжахон”, “Илғор” ва “Тарона” навларини ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларининг шаклланиши ва дон сифат кўрсаткичларига уруғ экиш ва унга мос равишда азотли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Шоли навлари уруғларининг униб чиқиши, кўчат қалинлиги ва сақланувчанлигига экиш меъёри ва азотли ўғитларнинг таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш ва азотли ўғитлар меъёрларида шоли навларини ўсиб ривожланиши, барг сатҳи ва қуруқ массасининг шаклланишини аниқлаш;

шоли навларининг ҳосил элементлари шаклланиши, ҳосилдорлиги ва донининг технологик сифат кўрсаткичларига экиш меъёри ва азотли ўғитлар меъёрларининг таъсирини ўрганиш;

шоли навларини миқдорий ва сифат кўрсаткичларини уруғ экиш ва маъдан ўғитлар меъёрларига корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

тадқиқотдан олинган натижалар асосида иқтисодий самарадорликни аниқлаш ва самарали агротадбирни ишлаб чиқаришга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари, шолининг янги районлашган “Гулжахон”, “Илғор” ва “Тарона” навлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, уруғ экиш меъёрлари, азотли маъдан ўғитлар меъёрлари ва уларни дала унувчанлиги, кўчат қалинлиги ва сақланувчанлиги, шоли ўсимлигини ўсиб ривожланиши, қуруқ массаси ва барг сатҳининг шаклланиши, ўсув даври давомийлиги, доннинг биометрик ва технологик сифат кўрсаткичлари ҳамда шоли навларининг ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқот услублари. Илмий тадқиқотларда дала тажрибаларни жойлаштириш, ҳисоб-китоблар, кузатишлар “Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услубий қўлланмаси”, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ПСУЕАИТИ) асосида амалга оширилган. Гуручнинг шишасимонлиги ГОСТ 10987-76, гуруч чиқиш миқдори ва бутун гуруч чиқиш миқдори ГОСТ ISO 6646-2013 бўйича аниқланган. Шоли ўсимлиги барг сатҳини ҳисоблаш Vishnu M. Bhan ва H.K. Pande (IRRI) услубида, иқтисодий кўрсаткичлар В.Н.Положий услубида, математик-статистик таҳлиллар Microsoft Excel дастурлари ёрдамида Б.А.Доспехов услуби бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида янги районлаштирилган эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Илғор” ва кечпишар “Тарона” шоли навларининг мақбул экиш меъёри ва унга мутаносиб равишда мақбул азотли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари ишлаб чиқилган;

зарур озиқланиш муҳити яратилганлиги сабабли уруғларни дала унувчанлик даражаси азотли ўғитлар меъёрига тўғри пропорционал, озиқланиш майдонининг камайиши сабабли уруғ экиш меъёрига тескари пропорционал эканлиги аниқланган;

уруғ экиш меъёри барг сатҳини шаклланишига 45–65%, бир ўсимликнинг қуруқ масса тўплашига 53–62%, ўсимлик бўйига 21–30% таъсир этиши, азотли ўғитлар меъёрини эса барг сатҳини шаклланиши, бир ўсимликнинг қуруқ масса тўплаши ва ўсимлик бўйига мос равишда 21-40, 30-39 ва 68-88% таъсир этиши аниқланган;

уруғ экиш меъёри билан шишасимонлик ($r_{Гулжаҳон}$ = 0,78; $r_{Илғор}$ = 0,86;

$r_{Тарона}$ = 0,85) ўртасида ижобий, азотли ўғитлар меъёри билан шишасимонлик ($r_{Гулжаҳон}$ = -0,57; $r_{Илғор}$ = -0,49; $r_{Тарона}$ = -0,51), гуруч чиқиши ($r_{Гулжаҳон}$ = -0,68; $r_{Илғор}$ = -0,68; $r_{Тарона}$ = -0,68), бутун гуруч чиқиши ($r_{Гулжаҳон}$ = -0,72; $r_{Илғор}$ = -0,65; $r_{Тарона}$ = -0,63) орасида салбий, қобиғ чиқиши ($r_{Гулжаҳон}$ = 0,63; $r_{Илғор}$ = 0,72; $r_{Тарона}$ = 0,63) орасида ижобий корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида янги яратилган “Гулжаҳон”, “Илғор” ва “Тарона” шоли навларини гектарига 5 млн дона уруғ ҳисобида экиб мос равишда $N_{90}P_{90}K_{90}$, $N_{120}P_{120}K_{120}$ ва $N_{150}P_{120}K_{150}$ кг/га меъёрларда озиқлантирилганда юқори ҳосилдорликка эришилган ҳолда майдон бирлигига сарфланадиган сара уруғлик миқдори 17% ва азотли ўғитлар миқдори 17-25 фоизга тежалиш мумкинлиги аниқланган;

“Гулжахон” навини гектарига 5 млн дона уруғ экиб $N_{90}P_{90}K_{90}$ кг/га меъёрда озиқлантирилганда 63,5 ц/га ҳосилдорлик олинган ҳолда 32,3% рентабеллик билан 3881 минг сўм/га, “Илғор” навини гектарига 5 млн дона уруғ экиб $N_{120}P_{120}K_{120}$ кг/га меъёрда озиқлантирилганда 68,6 ц/га ҳосилдорлик олинган ҳолда 34,7% рентабеллик билан 4408 минг сўм/га, “Тарона” навини гектарига 5 млн дона уруғ экиб $N_{150}P_{120}K_{150}$ кг/га меъёрда озиқлантирилганда 75,4 ц/га ҳосилдорлик олинган ҳолда 36,6% рентабеллик билан 5040 минг сўм/га фойда олиш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория ва дала тажрибаларини бажаришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, олинган маълумотларга математик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир– бирига мос келиши, тадқиқотлар натижаларини хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, олинган натижалар юқори малакали мутахассислар томонидан баҳоланиб ижобий ҳулосалар берилганлиги, тадқиқот натижаларини Республика ва Халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, натижалар бўйича тавсия қилинган ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги, Олий аттестация Комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги мақолалар мазкур диссертация ишининг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида шолининг янги районлашган “Гулжаҳон”, “Илғор” ва “Тарона” навларининг уруғ экиш меъёрлари ва азотли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини уруғнинг униб чиқишига, ўсиб ривожланиб қуруқ масса тўплаши ва барг сатҳининг шаклланишига, тупланиш даражасига, ҳосил структураси ҳамда доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Ишлаб чиқилган тавсияга асосан Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқларида шолининг янги районлашган “Гулжаҳон”, “Илғор” ва “Тарона” навларини мақбул уруғ экиш меъёри ва унга мутаносиб равишда

озиқлантириш меъёрида етиштириш натижасида майдон бирлигига сарфланадиган уруғлик ва азотли ўғитлар миқдорлари тежалиши, юқори ҳосилдорликка ҳамда бир килограмм шоли таннархини арзонлашишига эришилганлиги тадқиқотнинг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шолининг янги районлашган “Гулжаҳон”, “Илғор” ва “Тарона” навларини ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш меъёри ва унга мутаносиб равишда озиқлантириш меъёри таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

шоличиликка ихтисослашган фермер ва томорқа хўжаликлари учун “Ўзбекистонда шолидан юқори ҳосил олиш бўйича тавсиянома” чоп этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10-январдаги 02/021-99-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома шоличиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида шоли навларини мақбул уруғ экиш ва унга мутаносиб равишда озиқлантириш меъёрларида етиштириб юқори ҳосилдорликка эришиш учун хизмат қилмоқда;

шолининг эртапишар “Гулжаҳон” навини етиштиришнинг мақбул агро тадбири Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ ва Бекобод туманларида 32,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10-январдаги 02/021-99-сонли маълумотномаси). Натижада гектаридан 5,9-6,2 центнер қўшимча ҳосилдорликка эришилиб, 3575-4190 минг сўм соф фойда олинган ва рентабеллик 29,8-34,9 фоизни ташкил этган;

шолининг ўртапишар “Илғор” нави Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ ва Бекобод туманларида 32,2 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10-январдаги 02/021-99-сонли маълумотномаси). Натижада гектаридан 7,8-8,1 центнер қўшимча ҳосилдорлик олиниб, 32,0-37,3 фоизгача рентабеллик билан 4100-4715 минг сўм соф фойда олинган;

шолининг кечпишар “Тарона” нави Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ ва Бекобод туманларида 77,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10-январдаги 02/021-99-сонли маълумотномаси). Натижада гектаридан 9,5-9,8 центнер қўшимча ҳосилдорликка эришилган, 4700-5315 минг сўм соф фойда олинган ва рентабеллик 34,2-38,9 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ҚХООТИИЧМ ва Шоличилик илмий – тадқиқот институтининг махсус апробация комиссияси томонидан кўрикдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари 2 марта республика ва 3 марта халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола,

шундан 2 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда чоп қилинган ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Шоли навларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига уруғ экиш меъёри ва маъдан ўғитларнинг таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар шарҳи (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ривожланган мамлакатларда, жумладан Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Россия ва бошқа мамлакатлар олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, шолини экиш ва азотли ўғитлар билан озқлантириш меъёрларининг аҳамияти, шоли ҳосилдорлигига таъсири ҳамда таъсир этувчи ташқи омиллар баён қилинган. Шоли уруғларини дала шароитида униб чиқиш сонига, ўрим йиғим давригача сақланувчанигига, ўсимликнинг барг сатҳига, қуруқ масса тўплашига, қимматли хўжалик белгиларига, шоли ҳосилига, доннинг технологик сифат кўрсаткичларига, шоли етиштириш агротехникасининг самарадорлигига турли омилларнинг таъсири борасида юртимиз ва хорижлик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Ушбу бўлимнинг сўнгги саҳифасида мавзу бўйича олиб борилган изланишлар натижаларида уруғ экиш ва азотли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларига боғлиқ ҳолда янги яратилган шоли навларини етиштириш агротехникасини илмий асослаб бериш шоличиликда долзарб масалалардан бири сифатида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларни ўтказиш шароити ва услуби»** номли иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ ва иқлим шароитлари, тадқиқотларни олиб бориш услублари ҳамда дала тажрибаларида қўлланилган агротехник тадбирлар баён этилган. Тадқиқотлар 2012–2014 йилларда Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалиги майдонларида олиб борилган. Тажрибалар Шоличилик илмий – тадқиқот институтининг Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги тажриба хўжалигининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқларида ўтказилган бўлиб, тупроғининг

ҳайдалма қатлами асосий озиқа элементлар билан ўрта даражада таъминланганлиги қайд этилган. Тадқиқотлар олиб борилган йилларда шолининг вегетация даврида табиий иқлим шароити ўртача кўп йилликка нисбатан юқори бўлиб, ўсимликнинг ўсиб ривожланиши учун мақбул келганлиги кўрсатиб ўтилган.

Дала тажрибалари ҳар бир навда 12 та вариант 4 та қайтариқда, ҳар бир вариант 50 м^2, жами ҳисобли майдон – 5184 м^2, барча тажриба вариантлари майдони 7200 м^2 ни ташкил этиб, вариантлар системали жойлаштирилган.

Диссертациянинг **“Шоли навларини ўсиши ва ривожланишига уруғ экиш ва азотли маъдан ўғитлар меъёрларининг таъсири”** деб номланган учинчи бобида, шоли навларининг дала унувчанлиги даражасини бевосита униб чиқиш давридаги ўртача кунлик хаво хароратига боғлиқлиги баён этилган. Жумладан, кечпишар навлар уруғлари униб чиқиш даврида ўртача кунлик ҳаво ҳарорати +17,2-20,6ºС бўлиб дала унувчанлиги 40,2-59,0%, ўртапишар навлар уруғлари униб чиқиш даврида ўртача кунлик ҳаво ҳарорати +22,4-23,2ºС бўлиб дала унувчанлиги 41,8-61,0%, эртапишар навларнинг уруғлари униб чиқиш даврида ўртача кунлик ҳаво ҳарорати +23,3-24,0ºС бўлиб дала унувчанлиги 44,8-62,7 фоизни ташкил этганлиги таъкидланган.



1-расм. Уруғ экиш ва азотли маъдан ўғитлар меъёрларини дала унувчанлиги ва кўчат сақланувчанлигига таъсири, % (2012-2014 йй).

Шунингдек уруғ экиш ва азотли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини уруғларнинг униб чиқиш ва сақланиш даражасига таъсири баён этилган (1-расмга қаранг). Жумладан, уруғ экиш меъёри гектарига 3 млн. донадан 6 млн. донага ортиб борганда дала унувчанлиги “Гулжахон” навида 17,9 фоизга (62,7÷44,8), Илғор навида 19,2 фоизга (61,0÷41,8) ва Тарона навида эса 18,8 фоизга (59,0÷40,2) камайиши, ўрим йиғим давригача кўчат сақланувчанлиги Гулжаҳон навида 2,4% (85,8÷88,2), “Илғор” навида 1,7% (91,4÷93,1) ва “Тарона” навида эса 3,9 (94,0÷97,9) фоизга ортиши маълум бўлган.

Ўз навбатида азотли ўғитлар меъёри дала унувчанлиги ва ўрим йиғим давригача кўчат сақланувчанлигига қисман таъсир этган. Яъни дала унувчанлиги “Гулжахон” навида азотли ўғитлар меъёри N_{90} дан N_{150} кг гача ортиб борганда 2,1 фоизга (50,2÷52,1), “Илғор” навида азотли ўғитлар меъёри N_{120} дан N_{180} кг гача ортиб борганда 0,8 фоизга (47,6÷48,4), “Тарона” навида азотли ўғитлар меъёри N_{150} дан N_{210} килограммгача ортиб борганда 1,5 фоизга (45,8÷47,3) ортганлиги, шу билан бирга ўрим йиғим давригача кўчат сақланувчанлиги “Гулжахон” навида 2,3 фоизга (88,3÷86,0), “Илғор” навида 1,9 фоизга (93,6÷91,7) ва “Тарона” навида 3,5 фоизга (97,5÷94,0) камайганлиги аниқланган.

Уруғ экиш меъёри гектарига 3 млн. донадан 6 млн. донага ортиб борганда униб чиққан ўсимликларга нисбатан ўрим йиғим давригача ўсимликларни нобуд бўлиши даражаси камаяди ва аксинча азотли ўғитлар меъёри ортганда ўсимликларни нобуд бўлиш даражаси кўпайиши баён қилинган.

Тадқиқотларда шоли навларининг бир ўсимликдаги барг сатҳларининг ўзгариш динамикаси ўрганганилганда рўваклаш фазасида максимал барг сатҳи шаклланиб, кейинчалик тўлиқ пишиш фазасига келиб қуйи ярусдаги барглар ўз фаолиятини тугатиб қуриши натижасида бир ўсимликдаги ва умумий барг сатҳи камайиши маълум бўлган. Бир ўсимликнинг барг сатҳи тупланиш фазасидан рўваклаш фазасигача кўпайиб тўлиқ пишиш фазасигача камайиш ҳолати тадқиқотдаги барча навларда кузатилган. Масалан, ўртапишар “Илғор” навида 3 млн. дона/га меъёрда экилган вариантда тупланиш фазасида 198,4-210,2 см^2, рўваклаш фазасида келиб 351,4-378,1 см^2, тўлиқ пишиш фазасида 268,2-298,3 см^2, 4 млн. дона/га меъёрда экилган вариантда тупланиш фазасида 186,9-195,1 см^2, рўваклаш фазасида 319,1-341,9 см^2, тўлиқ пишиш фазасида 258,0-275,0 см^2, 5 млн. дона/га меъёрда экилган вариантда тупланиш фазасида 177,6-189,2 см^2, рўваклаш фазасида 306,6-337,5 см^2, тўлиқ пишиш фазасида 239,2-269,9 см^2, 6 млн. дона/га меъёрда экилган вариантда тупланиш фазасида 172,1-179,6 см^2, рўваклаш фазасида 293,3-322,4 см^2 ва тўлиқ пишиш фазасида 220,8-250,1 см^2 бўлганлиги кузатилган. Бундан ташқари экинзорнинг умумий барг сатҳи ва барг сатҳи индекси аниқланган. Эртапишар “Гулжахон” навида умумий барг сатҳи 51,0-72,1 минг м^2/га, барг сатҳи индекси 5,1-7,2 м^2/м^2 (назорат “Нукус-2” навида 3,4-5,1 м^2/м^2), ўртапишар “Илғор” навида умумий барг сатҳи 58,7-75,1 минг м^2/га, барг

сатҳи индекси 5,9-7,5 м^2/м^2 (назорат “Авангард” навида 4,7-6,2 м^2/м^2), кечпишар “Тарона” навида умумий барг сатҳи 60,9-82,1 минг м^2/га ва барг сатҳи индекси 6,1-8,2 м^2/м^2 (назорат “УзРОС 7-13” навида 5,2-7,3 м^2/м^2) эканлиги маълум бўлган.

Майдон бирлигидаги ўсимликлар сони ошиб борганда бир ўсимликдаги барг сатҳи камайиб, умумий барг сатҳини ошиши аниқланган (2-расмга қаранг). Уруғ экиш меъёрини гектарига 3 млн. донадан 6 млн. донага кўпайтириб борилганда бир ўсимликни барг сатҳи “Гулжахон” навида 331,8 см^2 дан 284,3 см^2 гача, “Илғор” навида 365,7 см^2 дан 309,0 см^2 гача, “Тарона” навида 379,9 см^2 дан 338,7 см^2 гача камайганлиги, умумий барг сатҳи эса “Гулжахон” навида 53,5 минг м^2/га дан 67,5 минг м^2/га гача, “Илғор” навида 61,2 минг м^2/га дан 72,2 минг м^2/га гача, “Тарона” навида 63,2 минг м^2/га дан 79,9 минг м^2/га гача ошганлиги аниқланган.



2-расм. Уруғ экиш ва азотли маъдан ўғитлар меъёрларини шоли навларининг барг сатҳи шаклланишига таъсири (2012-2014 йй)

Азотли ўғитлар меъёрини ҳар 30 кг/га миқдорга ошириш пропорционал тарзда “Гулжахон” навида бир ўсимликдаги барг сатҳини 289,9 дан 324,8 см^2 гача, умумий барг сатҳини 57,2 мингдан 65,1 минг м^2/га гача, “Илғор” навида

бир ўсимликдаги барг сатҳини 317,6 дан 345,0 см^2 гача, умумий барг сатҳини 63,2 мингдан 68,5 минг м^2/га гача, “Тарона” навида бир ўсимликдаги барг сатҳини 344,2 дан 368,9 см^2 гача, умумий барг сатҳини 68,7 мингдан 73,4 минг м^2 гача ошишига олиб келганлиги кузатилган.

Тадқиқотда ўрганилган навларда тупланиш фазасида ўсимликни қуруқ масса тўплаши, уруғ экиш меъёри ва азотли ўғитлар билан озиқлантиришга боғлиқ ҳолда сезиларли ўзгармаганлиги кузатилган. Рўваклаш фазасигача ўсимлик умумий массасига нисбатан бутун ўсув даврида туплайдиган қуруқ массанинг асосий қисмини тўплаган. Бир ўсимлик қуруқ массаси “Гулжахон” навида рўваклаш фазасида 4,8-8,4 г пишиш фазасида 7,7-11,7 г бўлиб ўсимликнинг умумий массасига нисбатан 71 %, “Илғор” навида рўваклаш фазасида 5,5-8,9 г пишиш фазасида 7,7-12,1 г бўлиб ўсимликнинг умумий массасига нисбатан 73 %, “Тарона” навида рўваклаш фазасида 6,1-9,7 г пишиш фазасида 8,2-12,8 г бўлиб ўсимликнинг умумий массасига нисбатан 75% бўлганлиги қайд этилган.

Бир ўсимликнинг қуруқ масса тўплашида уруғ экиш меъёрининг таъсири “Гулжахон” навида 53,0%, “Илғор” навида 60,6% ва “Тарона” навида 55,4% бўлган бўлса, азотли ўғитлар меъёрининг таъсири мос равишда 30,2%, 31,5% ва 38,8 фоизни ташкил этиши аниқланган.



3-расм. Шоли навлари ўсимлигининг бўйига ўсишига турли уруғ экиш ва азотли маъдан ўғитлар меъёрларини таъсири, см (2012-2014 йй)

Шоли ўсимлигининг бўйига ўсиши уруғларни экиш меъёрига ва азотли ўғитларнинг меъёрига боғлиқ ҳолда ўзгаришларни қайд этган (3-расмга қаранг). Азот меъёрини ҳар 30 кг/га кўпайтириш ўсимликларнинг бўйини “Гулжахон” навида 5,9 см га, “Илғор” навида 4,5 см га ва “Тарона” навида 4,8 сантиметрга, экиш меъёрини гектарига ҳар 1,0 млн. донага оширилиши ўсимликлар бўйини мос равишда 2,3; 2,3 ва 1,8 сантиметрга узун бўлишига олиб келган. Ўсимликлар бўйига ўсишида азотли ўғитлар меъёрининг таъсири “Гулжахон” навида 77,8%, “Илғор” навида 67,7% ва

“Тарона” навида 77,5% бўлган бўлса, уруғ экиш меъёрининг таъсирида эса бу кўрсаткич мос равишда 24,2%, 30,4% ва 21,3 фоизни ташкил этган.

Шоли навларида вегетация даври давомийлиги ўрганилганда “Гулжахон” навида 111-117 кунни (“Нукус-2” st 104-111 кун), “Илғор” навида 123-129 кунни (“Авангард” st 125-130 кун) ва “Тарона” навида 134-142 кунни (“УзРОС 7-13” st 134-143 кун) ташкил этган. Юқори меъёрда азотли ўғитлар билан озиқлантириш ўрганилган навларда ўсимлик вегетация даврини 4 кунга узайишига олиб келган (1-жадвалга қаранг). Яъни, “Гулжахон” навида азот меъёрини N_{90} дан N_{150} кг/га ошириш вегетация даврини 112 кундан 116 кунгача, “Илғор” навида азот меъёрини N_{120} дан N_{180} кг/га ошириш 124 кундан 128 кунгача, “Тарона” навида эса озиқлантириш меъёрини N_{120} дан N_{180} кг/га ошириш 136 кундан 140 кунгача узайишига олиб келган. Уруғ экиш меъёрини гектарига 1 млн. донага ошириш шоли навларининг вегетация даври давомийлигини 1 кунга қисқаришига олиб келган.

1-жадвал

Уруғ экиш ва азотли ўғитлар меъёрларига кўра шоли навларини вегетация даври давомийлиги, кун (2012-2014 йй)

Йиллик меъёр, кг/га	Навлар	Экиш меъёри, млн. дона/га			
		3	4	5	6
$N_{90}P_{90}K_{90}$	Нукус-2 st	107	106	105	104
	Гулжахон	113	112	112	111
$N_{120}P_{90}K_{90}$	Нукус-2 st	109	108	108	106
	Гулжахон	115	114	113	113
$N_{150}P_{90}K_{90}$	Нукус-2 st	111	110	109	108
	Гулжахон	117	117	116	116
$N_{120}P_{120}K_{120}$	Авангард st	127	125	125	125
	Илғор	125	125	124	123
$N_{150}P_{120}K_{120}$	Авангард st	128	127	127	126
	Илғор	127	126	126	125
$N_{180}P_{120}K_{120}$	Авангард st	130	129	128	128
	Илғор	129	128	127	127
$N_{150}P_{120}K_{150}$	УзРОС 7-13 st	138	137	135	134
	Тарона	138	137	135	134
$N_{180}P_{120}K_{150}$	УзРОС 7-13 st	141	139	137	136
	Тарона	140	138	137	137
$N_{210}P_{120}K_{150}$	УзРОС 7-13 st	143	141	139	138
	Тарона	142	140	139	138

Диссертациянинг **«Шоли навларини биометрик, ҳосилдорлик ва дон сифати кўрсаткичларига уруғ экиш меъёри ва маъдан ўғитларнинг таъсири»** номли тўртинчи бобида тажрибада қўлланилаётган янги яратилган шоли навларининг тупланиш коэффициентига экиш меъёри ва озиқлантириш меъёри бевосита таъсир қилганлиги ёритилган. Яъни, тупланиш коэффициенти шолининг “Гулжаҳон”, “Илғор” ва “Тарона” навларида 3 млн.

дона уруғ экиш меъёрида 1,80, 1,81 ва 1,86 бўлган ҳолда экиш меъёрини ҳар гектарга 1 млн. донага оширганда 11-16 фоизга камайиши, азотли ўғитларнинг N_{90}, N_{120} ва N_{150} меъёрларида 1,55, 1,56 ва 1,66 бўлган ҳолда азот ўғитини ҳар N_{30} меъёрга оширганда 1,9-3,2 фоизга ортиши аниқланган.

Пуч донлар сони майдон бирлигида мақбул кўчатлар сони таъминланганда, яъни уруғ экиш меъёри гектарига 5 млн. дона бўлганда рўваклардаги донлар бир вақтда пишиб етилиш хисобига 3 млн. дона меъёрга нисбатан “Гулжаҳон” навида 1,6%, “Илғор” навида 1,2% ва “Тарона” навида 2,7 % кам бўлиши, азотли ўғитлар меъёрини ҳар гектарга N_{30} меъёрга оширганда 7,3-10,3 фоизга ортиши маълум бўлган.



3-расм. Шоли навларини ҳосилдорлигига уруғ экиш меъёри ва азотли ўғитлар меъёрларининг таъсири, ц/га (2012-2014 йй)

Экиш меъёрини мақбул кўчат қалинлигини таъминловчи меъёргача етказилганда рўвак вазни ва 1000 дона дон вазни ошиб борган, меъёрни янада кўпайтириш иккала кўрсаткични камайишига олиб келган. Уруғ гектарига 3 млн. дона меъёрида экилганда “Гулжаҳон”, “Илғор” ва “Тарона” навларида

рўвак вазни мос равишда 2,8, 3,06 ва 3,24 г, 1000 дона дон вазни 32,8, 32,9 ва 33,0 г бўлган ҳолда, уруғ гектарига 5 млн. дона меъёрида экилганда рўвак вазни 2,86, 3,07 ва 3,30 граммни, 1000 дона дон вазни 32,9, 33,1 ва 33,3 г бўлган бўлса, экиш меъёрини 6 млн. донага етказилганда рўвак вазни 2,79, 3,00 ва 3,16 граммни 1000 дона дон вазни эса 32,7, 32,8 ва 32,9 граммни ташкил этган. Азотли ўғитлар меъёри мақбул озиқлантириш меъёридан ошганда рўвак вазни ва 1000 дона дон вазни камайган. “Тарона” навида азотли ўғитлар меъёри N_{150} бўлганда рўвакдаги донлар вазни 3,34 г ва 1000 дона дон вазни 33,2 грамм бўлган бўлса, N_{180} ва N_{210} бўлганда мутаносиб равишда 3,25 ва 3,17 г ҳамда 33,0 ва 33,7 грамм бўлганлигини кўрсатган.

Уч йиллик тажриба натижаларига кўра “Гулжаҳон” навида бир ўсимлик барг сатҳи 282,4 $см^2$ ва барг сатҳи индекси 5,9 $м^2/м^2$ бўлганда, “Илғор” навида бир ўсимлик барг сатҳи 306,6 $см^2$ ва барг сатҳи индекси 6,5 $м^2/м^2$ бўлганда ва “Тарона” навида бир ўсимлик барг сатҳи 339,3 $см^2$ ва барг сатҳи индекси 7,2 $м^2/м^2$ бўлганда энг юқори ҳосилдорлик мос равишда 69,3, 74,3 ва 85,5 ц/га бўлиши аниқланди.

Уруғ экиш меъёри гектарига 3 млн донадан 5 млн донагача кўпайтириб борилганда ҳосилдорлик ортиб борган, 6 млн дона меъёрда эса камайган. Яъни, гектарига 3 млн дона меъёрда уруғ экилганда “Гулжаҳон” навида 56,5 ц/га, “Илғор” навида 62,5 ц/га ва “Тарона” навида ҳосилдорлик 67,6 ц/га бўлган бўлса, уруғ экиш меъёри 5 млн дона бўлганда “Гулжаҳон” навида 65,7 ц/га, “Илғор” навида 71,7 ц/га ва “Тарона” навида 82,7 центнерни ташкил этган. Уруғ экиш меъёри 6 млн донага етказилганда ҳосилдорлик мос равишда 62,7, 66,0 ва 74,6 центнер бўлган. Уруғ экиш меъёри 5 млн дона уруғ экилган вариантларда назорат гектарига 6 млн дона уруғ экилган вариантларга нисбатан шолининг “Гулжаҳон” навида 3,0 ц/га ёки 4,7%, “Илғор” навида 5,7 ц/га ёки 8,6% ва “Тарона” навида 8,1 ц/га ёки 10,9% юқори ҳосилдорликка эришилган.

Азотли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини кўпайтириб бориш ўсимликнинг вегетация даври узайиб ўсимлик яшил массасининг ортишига ва натижада ҳосилдорликни камайишига олиб келган. Яъни, ҳосилдорлик “Гулжаҳон” навида азот меъёри N_{90} бўлганда 64,9 ц/га N_{150} бўлганда 58,4 ц/га, “Илғор” навида N_{120} бўлганда 69,2 ц/га N_{180} бўлганда 63,6 ц/га ва “Тарона” навида N_{150} бўлганда 77,7 ц/га N_{210} бўлганда 71,5 центнерни ташкил этган. “Гулжаҳон” навидан N_{90} меъёрда озиқлантирилганда назорат N_{120} меъёрга нисбатан 3,4 ц/га ёки 5,5%, “Илғор” навидан N_{120} меъёрда озиқлантирилганда назорат N_{150} меъёрга нисбатан 2,6 ц/га ёки 3,9% ва “Тарона” навидан N_{150} меъёрда озиқлантирилганда назорат N_{180} меъёрга нисбатан 2,8 ц/га ёки 3,8% юқори ҳосилдорликка эришилган.

Тадқиқотларда шоли навларини турли уруғ экиш ва азотли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларида етиштиришда уларнинг технологик сифат кўрсаткичларини шаклланиши аниқланган. Тажриба натижаларига кўра, донни шишасимонлиги бўйича юқори кўрсаткич “Гулжаҳон” навида (98,1 %) 6 млн дона/га меъёрда экилиб $N_{90}P_{90}K_{90}$ меъёрда озиқлантирилган вариантда,

“Илғор” ва “Тарона” навларида мос равишда 6 млн дона/га меъёрда экилиб $N_{120}P_{120}K_{120}$ ва $N_{150}P_{120}K_{150}$ меъёрларда озиқлантирилган вариантларда бир хил 97,1% бўлганлиги кузатилган.

Қобиғ чиқиши уруғ экиш ва озиқлантириш меъёридан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиб гуруч чиқиш миқдорига таъсир этган. Яъни қобиғлилик қанча кам бўлса гуруч чиқиш миқдори шунча миқдорда кўп бўлган. Масалан, “Илғор” навида гектарига 4 млн дона уруғ экиб $N_{120}P_{120}K_{120}$ меъёрда озиқлантирилган вариантда қобиғлилик 18,7 фоиздан $N_{180}P_{120}K_{120}$ меъёрда озиқлантирилган вариантда 18,9 фоизгача кўпайганда гуруч чиқиш миқдори мос равишда 64,0 дан 63,0 фоизга тушган.

Уруғ экиш меъёри мақбул кўчат қалинлигини таъминловчи меъёргача кўпайган сари қобиғ чиқиши камайиб гуруч чиқиши “Гулжаҳон” навида 2% (61,5÷63,5), “Илғор” навида 1,6% (62,2÷63,8), “Тарона” навида 2,4 фоизга (61,6÷64,0) ортган, уруғ экиш меъёри мақбул меъёрдан ошганда аксинча қобиғ чиқими кўпайиб гуруч чиқиши камайган.

Азотли ўғитлар меъёри ортиб бориши билан барча навларда қобиғ чиқиши ортиб, гуруч шишасимонлиги, гуруч чиқиш ва бутун гуруч чиқиш миқдорлари камайди. Мисол учун, “Гулжаҳон” навида $N_{90}P_{90}K_{90}$ бўлганда қобиғлилик 18,9 %, шишасимонлик 97,1%, гуруч чиқиши 63,3 % ва бутун гуруч чиқиши 94,4% бўлган бўлса $N_{120}P_{90}K_{90}$ ва $N_{150}P_{90}K_{90}$ бўлганда мос равишда 19,1, 96,5, 62,3, 94,2% ва 19,2, 95,8, 61,4, 94,0 фоизни ташкил этган.

Дисертациянинг “**Миқдорий ва сифат кўрсаткичларининг ўзаро корреляцион боғлиқлиги, иқтисодий самарадорлик ва ишлаб чиқариш синовлари натижалари**” номли бешинчи бобида, турли уруғ экиш ва азотли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларида шоли навларини етиштиришда миқдорий ва сифат кўрсаткичларини ўзаро ва агро тадбирларга корреляцион боғлиқлиги, агро тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқариш синов натижалари баён этилган. Дон ҳосилдорлиги билан барг сатҳи ($r_{Гулжаҳон}$=0,85; $r_{Илғор}$=0,72; $r_{Тарона}$ =0,71), ўсимликнинг қуруқ массаси ($r_{Гулжаҳон}$=0,75; $r_{Илғор}$=0,36; $r_{Тарона}$ =0,60), 1000 дона дон вазни ($r_{Гулжаҳон}$=0,68; $r_{Илғор}$=0,74; $r_{Тарона}$ =0,83), махсулдор тупланиш ($r_{Гулжаҳон}$=0,64; $r_{Илғор}$=0,64; $r_{Тарона}$ =0,69), рўвак массаси ($r_{Гулжаҳон}$=0,65; $r_{Илғор}$=0,68; $r_{Тарона}$ =0,68) ва бутун гуруч чиқиш миқдори ($r_{Гулжаҳон}$=0,78; $r_{Илғор}$=0,81; $r_{Тарона}$ =0,73) ўртасида ижобий, вегетация даври ($r_{Гулжаҳон}$=-0,84; $r_{Илғор}$=-0,75; $r_{Тарона}$ =0,-78) ва пучлилиги ($r_{Гулжаҳон}$=-0,89; $r_{Илғор}$=-0,75; $r_{Тарона}$ =-0,81) билан салбий боғлиқликка эгалиги келтирилган.

Уруғ экиш меъёри ўсимлик бўйи ($r_{Гулжаҳон}$=0,49; $r_{Илғор}$=0,55; $r_{Тарона}$=0,46) ва шишасимонлиги ($r_{Гулжаҳон}$=0,78; $r_{Илғор}$=0,86; $r_{Тарона}$=0,85) билан ижобий, барг сатҳи ($r_{Гулжаҳон}$= -0,67; $r_{Илғор}$ = -0,81; $r_{Тарона}$ = -0,72), ўсимликни қуруқ массаси ($r_{Гулжаҳон}$= -0,73; $r_{Илғор}$ = -0,78; $r_{Тарона}$ = -0,74), вегетация даври ($r_{Гулжаҳон}$= -0,21; $r_{Илғор}$ = -0,40; $r_{Тарона}$ = -0,57), тупланиш коэффициенти ($r_{Гулжаҳон}$= -0,95; $r_{Илғор}$ = -0,93; $r_{Тарона}$ = -0,88), рўвакдаги донлар сони ($r_{Гулжаҳон}$= -0,93; $r_{Илғор}$ = -0,89; $r_{Тарона}$ = -0,97), 1000 дона дон вазни ($r_{Гулжаҳон}$= -0,40; $r_{Илғор}$ = -0,74; $r_{Тарона}$ = -0,40) билан салбий корреляцияда, азотли ўғитлар меъёри барг сатҳи

($r_{Гулжаҳон}$=0,64; $r_{Илғор}$ =0,47; $r_{Тарона}$ =0,55), ўсимликни қуруқ массаси ($r_{Гулжаҳон}$=0,55; $r_{Илғор}$ =0,56; $r_{Тарона}$ =0,62), ўсимлик бўйи ($r_{Гулжаҳон}$=0,88; $r_{Илғор}$=0,82; $r_{Тарона}$=0,88), вегетация даври ($r_{Гулжаҳон}$=0,93; $r_{Илғор}$=0,88; $r_{Тарона}$ =0,73), пучлилиги ($r_{Гулжаҳон}$=0,92; $r_{Илғор}$=0,95; $r_{Тарона}$ =0,73) билан ижобий, рўвак массаси ($r_{Гулжаҳон}$= -0,92; $r_{Илғор}$ = -0,94; $r_{Тарона}$ = -0,84), рўвакдаги донлар сони ($r_{Гулжаҳон}$= -0,33; $r_{Илғор}$ = -0,30; $r_{Тарона}$ = -0,66), 1000 дона дон вазни ($r_{Гулжаҳон}$= -0,74; $r_{Илғор}$ = -0,72; $r_{Тарона}$ = -0,66), шишасимонлиги ($r_{Гулжаҳон}$= -0,57; $r_{Илғор}$ = -0,49; $r_{Тарона}$ = -0,51), гуруч чиқиши ($r_{Гулжаҳон}$= -0,68; $r_{Илғор}$ = -0,68; $r_{Тарона}$ = -0,68), бутун гуруч чиқиши ($r_{Гулжаҳон}$= -0,72; $r_{Илғор}$ = -0,65; $r_{Тарона}$ = -0,63) билан салбий корреляцияда эканлиги аниқланган.

Тажрибаларда “Гулжаҳон” навини гектарига 5 млн дона уруғ экиб $N_{90}P_{90}K_{90}$ меъёрда озиқлантирилганда 69,2 ц/га ҳосил етиштирилиб, 8645 минг сўм/га фойда олинган ҳолда, 80,4% рентабелликка, “Илғор” навини гектарига 5 млн дона уруғ экиб $N_{120}P_{120}K_{120}$ меъёрда озиқлантирилганда 74,3 ц/га ҳосил етиштирилиб, 8849 минг сўм/га фойда олинган ҳолда, 74,0% рентабелликка, “Тарона” навини гектарига 5 млн дона уруғ экиб $N_{150}P_{120}K_{150}$ меъёрда озиқлантирилганда 85,5 ц/га ҳосил етиштирилиб, 11021 минг сўм/га фойда олинган ҳолда 85,3% рентабелликка эришиш мумкинлиги аниқланган. Шунингдек 17% уруғлик ва 17-25% азотли ўғитлар иқтисод қилиниши, шу билан биргаликда 1 кг шоли таннархини 13-16,3 фоизга арзонлашишига эришилиши кузатилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида шолининг эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Илғор” ва кечпишар “Тарона” навларидан юқори ҳосил олиш мақсадида турли уруғ экиш меъёрлари ва минерал ўғитларнинг таъсири ўрганилганда, ушбу навларнинг морфобиологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, экиш ҳамда минерал ўғитларни мақбул меъёрларда қўллаш юқори аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

2. Дала унувчанлиги униб чиқиш давридаги ўртача кунлик хаво хароратига боғлиқлиқ бўлиб, эртапишар навларда 44,8-62,7%, ўртапишар навларда 41,8-61,0%, кечпишар навларда 40,2-59,0 фоизни ташкил этди. Уруғ экиш меъёри гектарига 3 млн. донадан 6 млн. донага ортиб борганда дала унувчанлиги 17,9-18,8 фоизга камайиб, ўрим йиғим давригача кўчат сақланувчанлиги 1,7-3,9 фоизга ортди. Азотли ўғитлар меъёри ортиб борганда дала унувчанлиги 0,8-2,1 фоизга ортди, ўрим йиғим давригача кўчат сақланувчанлиги 1,9-3,5 фоизга камайди.

3. Майдон бирлигидаги ўсимликлар сони ошиб борганда ўсимликнинг барча ривожланиш фазалари бўйича бир ўсимликдаги барг сатҳи камайди, азотли ўғитлар меъёри кўпайганда пропорционал тарзда бир ўсимликдаги барг сатҳи ошди. Бир ўсимликнинг қуруқ масса тўплашида уруғ экиш меъёрининг таъсири 53,0-60,6%, азотли ўғитлар меъёрининг таъсири 30,2-38,8% эканлиги аниқланди.

4. Азот меъёрини ҳар 30 кг/га кўпайтириш ўсимликларнинг бўйини

қўшимча 4,5-5,9 сантиметрга ўсишига олиб келди. Ўсимликни бўйига ўсишида азотли ўғитлар меъёрининг таъсири 67,7-77,8% бўлган бўлса, уруғ экиш меъёрининг таъсири 21,7- 30,4 фоизни ташкил этди. Уруғ экиш меъёрини гектарига 1 млн. донага оширилганда шоли навларининг вегетация даври давомийлиги 1 кунга қисқарди, юқори меъёрда азотли ўғитлар билан озиқлантирилганда вегетация даври 4-5 кунга узайди.

5. Пуч донлар сони майдон бирлигида мақбул кўчатлар сони таъминланганда кам бўлади ($r_{Гулжаҳон}$ = -0,23; $r_{Илғор}$ = -0,28; $r_{Тарона}$ = -0,58), азотли ўғитлар меъёри кўпайганда ($r_{Гулжаҳон}$ = 0,92; $r_{Илғор}$ = 0,95; $r_{Тарона}$ = 0,73) ортади. Экиш меъёрини мақбул кўчат қалинлигини таъминловчи меъёргача етказилганда рўвакдаги донлар вазни ва 1000 дона дон вазни ошади, меъёрни янада кўпайтириш иккала кўрсаткични камайишига олиб келади.

6. Янги яратилган “Гулжаҳон”, “Илғор” ва “Тарона” шоли навларидан юқори ҳосил олишда гектарига 5 млн дона уруғ ҳисобида экиб мос равишда $N_{90}P_{90}K_{90}$, $N_{120}P_{120}K_{120}$ ва $N_{150}P_{120}K_{150}$ меъёрларда озиқлантириш нисбати мақбул ҳисобланади. Бунда Гулжахон навида 69,3 ц/га, Илғор навида гектарига 74,3 ц/га, Тарона навида 85,5 ц/га ҳосилдорликка эришилди.

7. Уруғ экиш меъёри билан шишасимонлик ($r_{Гулжаҳон}$ = 0,78; $r_{Илғор}$ = 0,86; $r_{Тарона}$ = 0,85) ўртасида кучли, азотли ўғитлар меъёри билан шишасимонлик ($r_{Гулжаҳон}$ = -0,57; $r_{Илғор}$ = -0,49; $r_{Тарона}$ = -0,51) ўртасида ўрта, қобиқ чиқиши ($r_{Гулжаҳон}$ = 0,63; $r_{Илғор}$ = 0,72; $r_{Тарона}$ = 0,63), гуруч чиқиши ($r_{Гулжаҳон}$ = -0,68; $r_{Илғор}$ = -0,68; $r_{Тарона}$ = -0,68), бутун гуруч чиқиши ($r_{Гулжаҳон}$ = -0,72; $r_{Илғор}$ = -0,65; $r_{Тарона}$ = -0,63) ўртасида кучли корреляцион боғлиқлик мавжуд.

8. “Гулжаҳон” навини гектарига 5 млн дона уруғ экиб $N_{90}P_{90}K_{90}$ меъёрда озиқлантирилган вариантда назорат вариантга нисбатан гектаридан 5,8 ц/га қўшимча ҳосил етиштирилиб 2182 минг сўм шартли соф фойда, “Илғор” навини гектарига 5 млн дона уруғ экиб $N_{120}P_{120}K_{120}$ меъёрда озиқлантирилганда назорат вариантга нисбатан гектарига 8,1 ц/га қўшимча ҳосил етиштирилиб 2838 минг сўм шартли соф фойда, “Тарона” навини гектарига 5 млн дона уруғ экиб $N_{150}P_{120}K_{150}$ меъёрда озиқлантирилганда назорат вариантга нисбатан гектарига 5,6 ц/га қўшимча ҳосил етиштирилиб 2670 минг сўм миқдорида шартли соф фойда олинганлиги аниқланди.

9. Мақбул уруғ экиш меъёри ва унга мутаносиб равишда мақбул озиқлантириш меъёрини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида 8,6-13,6% юқори ҳосилдорликка эришилган ҳолда майдон бирлигига сарфланадиган сара уруғлик миқдори 17%, азотли ўғитлар миқдори 17-25% тежалиб иқтисодий самарага эришилади.

10. Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида шолидан юқори ҳосил етиштириш ҳамда иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадида:

эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Илғор” ва кечпишар “Тарона” навларини 160-170 кг/га меъёрда экиш ҳамда мос равишда $N_{90}P_{90}K_{90}$, $N_{120}P_{120}K_{120}$ ва $N_{150}P_{120}K_{150}$ кг/га меъёрларда озиқлантириш тавсия этилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РИСОВОДСТВА

КАЛАНДАРОВ БАХТИЁР ИСКАНДАРОВИЧ

ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ НОРМ ВЫСЕВА СЕМЯН И МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА РОСТ, РАЗВИТИЕ И УРОЖАЙНОСТЬ СОРТОВ РИСА

06.01.08 - Растениеводство

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B 2018.4.PhD/Qx44

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в научно-исследовательском институте рисоводства.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу www.psuaiti.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Саимназаров Юлдаш Бекмирзаевич** доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Атабаева Халима Назаровна,** доктор сельскохозяйственных наук, профессор
	Абдурахмонов Содиқжон Обидович, доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	**Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений**

Защита диссертации состоится «___» _____2020 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

С диссертацией можно ознакомится в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за № __). Адрес:111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

Автореферат диссертации разослан «___» _____2020 года.
(реестр протокола рассылки № __ от «___» _____ 2020 года.)

Ш.Н.Нурматов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Рис является одним из древнейщих сельскохозяйственных культур на земле, она считается для трети населения планеты основным продуктом питания. Несмотря на свое тропическое происхождение, она получила широкое распрастранение в регионах умеренного климата. По данным Департамента сельского хозяйства США (USDA), в 2018 году в мире собрано 765,6 млн. тонн. риса, в частности, в Китае - 224,6 млн. тонн, в Индии - 176,9 млн. тонн, в Индонезии - 56,1 млн. тонн, в Бангладеше - 54,6 млн. тонн, во Вьетнаме - 43,5 млн. тонн, в Таиланде - 31,5 млн. тонн, в Бирме - 20,5 млн. тонн, на Филиппинах - 18,4 млн. тонн, в Японии - 12,0 млн. т, в Пакистане - 11,5 млн. тонн[1].

В ряде развитых странах-производителях риса для обеспечения продовольственной безопасности достигается повышения качество зерна, увеличения урожайности и экономической эффективности за счет выведения, подбора и рационального размещения новых сортов в почвенно-климатических условиях, а также научно-обоснованного применения передовых ресурсосберегающих технологий.

В последние годы в стране проводятся масштабные сельскохозяйственные реформы для развития сельского хозяйства. В частности, в Указе ПУ-4947 Президента Республики Узбекистана от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным напралениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» определены задачи устойчивого развития сельскохозяйственного производства, дальнейшего укрепления продовольственной безопасности страны, рационального использования орошаемых земель и воды, создания новых сортов сельскохозяйственных культур, адаптированных к местным почвенно-климатическим условиям, внедрения современных сельскохозяйственных ресурсосберегающих технологий[2]. В связи с этим, для повышения урожайности и улучшения качества является актуальным проводить исследования по разработатке и внедрению некоторых элементов технологии выращивания риса, включая размещение сортов, сроков и норм высева семян, режимов питания с учётом почвенно-климатических условий.

Данное диссертационное исследование в определённой степени способствует реализации задач, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистана "О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны” №ПУ-5303 от 16.01.2018 г., Постановлениях №259 Кабинета Министров Республики Узбекистан “О Мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозных объемах производства продукции под урожай 2019 года” от 29.03.2019 г. и №986 Кабинета Министров Республики Узбекистан “О дополнительных

[1] http://www.worldagriculturalproduction.com/crops/rice.aspx

